2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 14-IYUN, PAYSHANBA, 70 (7995) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



## ҚУВНОҚ ЁЗ ТУҲФАСИ

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 март куни қабул қилинган "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Мазкур ҳужжат асосида Наманган вилоятидаги 9 ёзги оромгоҳда мавсумга тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан сифатли амалга оширилди. Соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичида иш бошлаган "Камалак", "Офтобча", "Соҳил", "Тоғ шалоласи", "Ҳумо", "Норин", "Ширин" ва "Шодлик" оромгоҳларида бугунги кунда 1 минг 135 ўғил-қиз мароқли дам олмоқда.

Янгиқўрғон туманидаги сўлим Нанай қишлоғи ҳудудида жойлашган "Камалак" оромгоҳида 280 нафар ўқувчи ёзги таътил кунларини унутилмас таассуротлар билан бошлади. Ушбу масканда мазмунли ҳордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Озиқ-овқат, дори-дармон, тиббиёт воситалари таъминотининг узлуксизлиги алоҳида эътиборда.

Оромгоҳ кутубхонаси ва тўгараклари болалар билан гавжум. Бу ерда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар ўғил-қизларга бир олам завқ бағишламоқда.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**




## САҲИФАЛАРДА:



«ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР» ФЕСТИВАЛИ 2

ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР



4



ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ 5

Сирдарё Вилояти

# САНОАТ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

**Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда 200 дан ортиқ саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва қўшма корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.**



Айниқса, "Пенг-шенг", "Милли-Гулистон текстил", "Сарруна текстил", "Ҳабиб текс", "Нафис либос", "Гул — рен текс" сингари қўшма корхоналарнинг бир-биридан бежирим тайёрлаётган кийим-бош, спорт ва оёқ кийимлари ички бозорни тўлдирибгина қолмай, хорижий мамлакатлардан ҳам харидорларни топиб улгурди. Юзлаб ёшлар меҳнат қилаётган ушбу қўшма корхоналарда маҳсулот сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш чоралари кўрилмоқда. Эндиликда вилоятнинг чекка қишлоқларида ҳам тикув цехлари, кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилаётганлиги ички бозорни кийим-кечаклар, хўжалик моллари, қурилиш материаллари билан тўлдириш баробарида жойларда янги иш ўринлари яратилишини ҳам таъмин этмоқда. Президентимиз томонидан тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги боис улар янги-янги ишлаб чиқариш цехларини қуришиб, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилашга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Чунончи, Ховос туманининг Ховос шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган "Райтекс", Боёвут туманининг чекка Т.Латипов номли Сув истеъмолчилари уюшмасида очилган "Калкут-сервис" хусусий корхоналари тадбиркорларга яратилган ана шу қулайликларнинг яққол намунасидир. Вилоятнинг қатор туманларида 50 дан ортиқ шундай замонавий корхона ва цехлар бугунги кунда аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётир.

— Мен тўрт ой олдин ўз сармоям ҳисобига чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширдим, — дейди "Калкут-сервис" хусусий корхонаси раҳбари Исломжон Зокиров. — Ҳозир цехимизда 10 нафар киши меҳнат қиляпти. Ишлаб чиқараётган чинни буюмларимиз хорижникидан қолишмаслиги сабабли бозорда туриб қолмаяпти. Ўтказилаётган ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси кўргазмасида ҳам маҳсулотимизни сотиш бўйича кўплаб шартнома ва битимлар туздик.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, "Маҳалла" ва "Экосан" жамоат фондлари билан ҳамкорликда "Экологик назоратни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

# КУН ТАРТИБИДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

Тадбир иштирокчилари экологик муаммоларни ҳал этиш учун инсонни тарбиялаш, унинг экологик ноқулайликлар оқибатида пайдо бўлаётган нохушликлар тўғрисида фикр юритиш қобилиятини, тафаккурини таълим-тарбия ёрдамида ўзгартириш, инсонийлик ва ватанпарварлик маънавияти даражасини кўтариш лозимлигини таъкидлашди. Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутишини қайд этдилар. Шунингдек, ушбу ташкилотларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш зарурлиги каби ҳолатларга эътибор қаратилди.

Демакки, экологик муаммолар ечимида экологик шароитнинг аҳамияти катта. Тадбирда айни шу мақсадда ишлаб чиқилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси хусусида ҳам сўз борди.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар, саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Миркарим МИРСОВУРОВ**

---

Қорақалпоғистон Республикаси

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2012»

**Нукусда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Келажак овози" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 400 нафардан зиёд ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича ўзаро беллашдилар.

Оролбўйи ёшлари томонидан тақдим этилган турли йўналишдаги лойиҳалар, ишланмалар, миллий санъат намуналари, рационализаторлик таклифлар, веб-ишланмалар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Танловда рационализаторлик таклифлар номинацияси бўйича Даврон Ўнгарбоев, публицистика номинацияси бўйича Гўзал Қурбаназарова, веб-ишланмалар номинацияси бўйича Сағиндик Кенжаев, миллий санъат номинацияси бўйича Саламат Аяпов ғолиб деб топилди.

— "Эдигей" достонини ижро этиб ғолиб бўлдим, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети педагогика факультети 2-босқич талабаси Саламат Аяпов. — Ҳозирда миллий ижрочилик йўналиши бўйича таълим олмоқдаман. Келажакда қорақалпоқ халқининг бой миллий фольклорини жаҳонга танитмоқчиман.

Танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

---

Бухоро Вилояти

# «ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР»

*Кўҳна ва ҳамиша боқий Бухоро шаҳрида шундай ном олган еттинчи анъанавий фестиваль бўлиб ўтди.*

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, қўшни давлатлар ҳунармандлари, сайёҳлик фирмалари вакиллари, чет эллик меҳмонлар иштирок этишди.

Қадимий шаҳарнинг сўлим гўшаси — Лабиҳовуз меъморий мажмуасида фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмаларда ҳунармандлар томонидан фақат табиий хомашёлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган камалакранг атлас ва адрас матолари, бирибирини такрорламас тўқувчилик, тикувчилик, кулолчилик, дурадгорлик, темирчилик, кандакорлик, мисгарлик ашёлари, уй-рўзғор ва совғабоп буюмлар тадбир иштирокчилари, айниқса, чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотди.



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

— Фестивалда бир неча бор иштирок этганман, — дейди марғилонлик тўқувчи Ҳасан Ҳожиматов. — Бу йилги фестивалда мени қувонтирган ҳолат шу бўлдики, ҳар бир ҳунарманд устанинг ёнида икки-уч нафар ёш шогирди бор. Ҳунармандларнинг ёшариб бораётгани яхши-да. Қолаверса, иштирокчилар сони ҳам олдинги йиллардагидан анча кўп.

— Ёғочдан ясалган уй-рўзғор буюмлари билан тадбирда биринчи бор иштирок этяпман, — дейди андижонлик уста Шавкат Раҳимов. — Меҳмонлар ва ҳунармандлар маҳсулотларимизга зўр қизиқиш билдиришди. Буюртмалар қабул қилдик.

Уч кун давом этган фестиваль тадбирлари унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди ва ҳунарманд-усталар учун ҳар томонлама самарали бўлди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Қашқадарё Вилояти

▼ БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# БИР ЗАМИН, БИР ЗАМОН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан чегара ҳудудларида яшовчи фуқаролар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларни ўрганиш мақсадида жойларда "Бир замин, бир замон фарзандларимиз" шиори остида учрашувлар бўлиб ўтди.**

Китоб туманидаги Башир маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят ва Китоб тумани ҳокимликлари, миллий-маданий марказларни мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамкорлигида ўтказилган учрашувда ички ишлар бўлими, маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари вакиллари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бағрикенглик муҳити барқарорлиги Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Тадбирда мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг бир оила фарзандларидек иноқ ва тотув яшаётганликлари, урф-одат ва қадриятларини асрабавайлаш ҳамда ривожлантириш учун имкониятлар яратиш, уларни ягона мақсад йўлида янада жипслаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Кўҳсор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жовуз қишлоғида, 68- ва 60-умумтаълим мактабларида қишлоқ аҳолиси, оқсоқоллар, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, ёшлар иштирокида очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбирлар давомида қишлоқлар аҳолиси фаолларига ва иқтидорли ёшларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар, бадиий жамоалар ҳамда "Паландара" фольклор ансамбли хонанда ва созандалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

# ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР



**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила институтининг нуфузини ошириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув муассасаларида ёшларни таълимнинг барча босқичларига тўлиқ қамраб олиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда пухта замин бўлаётир.**

"Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир", дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, оила тинч бўлса – маҳалла тинч, юрт тинч. Хотин-қизлар соғлом бўлса – хонадонларимиз нурафшон, ҳаётимиз файзли. Икки ёшнинг бошини қовуштириб, янги оила барпо этиш замирида фарзандлар бахт-саодатини кўриш, авлодлар давомийлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Кўз ўнгимизда ўсиб-улғайган, кечагина чучук тиллари билан салом бериб, меҳримизни тортган қақажон зум ўтмай, оғир-босиқ, тортинчоқ қизга айланади. "Вақтнинг ўтишини қаранг, фалончининг кенжаси каттагина қиз бўлиб қолибди", деймиз. Кўп ўтмай ўша қизни турмушга бераётганини эшитиб, ёқа ушлаймиз: "Ҳали бола-ку, ҳунар мактабини ҳам битирмаган. Одамлар бунча шошмаса", дея оғринамиз. Оғринамиз-у, бироқ қизнинг ота-онасига "Фарзандингиз ёш, аввал таълим-тарбия олсин, касб-ҳунар, рўзғор тутишни ўргансин", дейишга ҳаддимиз сиғмайди. Башарти ҳаддимиз сиғса-да, "Қиз бола бировнинг хасми, тенги чиқса, текин бер, дейишган. Ўқиб, менга шаҳар олиб берармиди", қабилидаги жавобларни эшитиб, хижолат бўламиз.

Маълумотларга кўра, бу йил Сурхондарё вилоятидаги 854 умумтаълим мактабини 22 минг 876 қиз битирмоқда. Уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Айниқса, олис ва чекка қишлоқларда қизларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулованинг айтишича, воҳадаги умумтаълим мактабларининг 96 таси тоғли қишлоқларда жойлашган. Мингдан зиёд қиз ушбу мактабларнинг 9-синфини битирмоқда. Уларнинг келгусида ўзлари танлаган йўналиш бўйича билим олиб, касб-ҳунар эгаллашлари учун сўровномалар ўтказилиб, қизиқишлари, келажакдаги мақсадлари, орзу-ўйлари аниқланди. Ота-оналари билан суҳбатлашилди. "Қиз боланинг касби – унинг бахти" мавзуида учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларида яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди.

Вилоятда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига узоқдан қатнаб ўқиётган ўқувчилар учун бепул транспорт хизмати йўлга қўйилаётгани, олис ва тоғли ҳудудлардаги қишлоқларда касб-ҳунар коллежларининг филиаллари ташкил этилаётгани ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Хусусан, бу йил Узун туманидаги Боботоғ қишлоғида 150 ўринли ётоқхонага эга хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бойсун туманидаги Дуғоба, Газак, Мачай, Денов туманидаги Сина, Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоқларида касб-ҳунар коллежларининг филиаллари ва замонавий ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари барпо этилмоқда.

– Қизларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига тўлиқ қамраб олишга қаратилган изчил чора-тадбирлар натижасида эрта турмушга бериш ҳоллари кескин камайди, – дейди М.Қобулова. – Бироқ балоғат ёшига етмаган қизларни қонуний никоҳни қайд эттирмасдан, шаръий никоҳ асосида турмушга бериш ҳолатлари, кам бўлса-да, учраб турибди. Афсуски, оила қуришга руҳий, маънавий, жисмоний тайёр бўлмаган фарзандини эрта турмушга берган бундай ота-оналарга нисбатан маъмурий чоралар кўришга мажбур бўляпмиз. Шунингдек, ноқонуний равишда шаръий никоҳ ўқиган муллалар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

Динимиз балоғатга етмаган қизнинг турмушга чиқишини қатъиян ман этади. Мавжуд тартибга мувофиқ, шаръий никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг тегишли маълумотномаси асосида ўқилиши лозим.

– Шаръий никоҳни амалга ошириш учун фақат давлат рўйхатидан ўтган масжидларнинг имом-хатиблари ва ноиб-имомларигагина ижозат берилган, – дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Сурхондарё вилоятидаги вакили Эргашали Рустамов. – Айни пайтда шаръий никоҳ ёш оила ФҲДЁ бўлимининг қонуний никоҳини қайд этгач ўқилиб, янги оила ҳақидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан жорий этилган "Никоҳнома" китобига киритилмоқда. Шаръий никоҳдан ўтган келин-куёвларга махсус никоҳ қоғози топширилаётир.

– Президентимиз ҳар бир йигит-қизни ўз фарзандларим, деб уларнинг бахт-саодати, тинч, фаровон ҳаёти – келажаги учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган бир пайтда ота-оналар ҳам фарзандлари тақдирига бефарқ қарамасликлари лозим, – дейди Жарқўрғон туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулбаҳор Тешабоева. – Ота-оналарга узлуксиз мажбурий таълим тизимининг аҳамиятини тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада ота-оналар масъулияти ошаётгани қувонарлидир. Маҳалламизда 595 нафар вояга етмаган қиз истиқомат қилмоқда. Уларнинг 40 нафари бу йил умумтаълим мактабларининг 9-синфини битириб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиради. Ота-оналар қизларининг билим олиши баробарида ўзлари қизиққан касб сирларини чуқур ўрганиши учун барча шароит яратилганидан мамнун.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани, намуна сифатида чуқур ўрганилаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда эришган ютуқларимизнинг асосий мезони бўлган инсон омилига қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
*Ф.АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.*

Қашқадарё Вилояти

# СПОРТСЕВАР ОИЛА

**Шаҳрисабз туманидаги 101-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Фазлиддин Худойназаров ва Фотима Қурбонованинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади.**



Фазлиддин Худойназаров ўқувчи-ёшларга мусиқадан, Фотима Қурбонова компьютер саводхонлигидан сабоқ беради. Улар фарзандлари Ҳулкарой ва Шарофиддинда болаликдан спортга меҳр уйғотишга, соғлом турмуш кўникмаларини шакллантиришга ҳаракат қилиб келмоқда.

— Айрим ота-оналар болаларининг соғлом бўлишини истайдию, лекин уларнинг жисмоний тарбиясига ҳамиша ҳам жиддий эътибор қаратмайди, барча масъулиятни мактаб ва боғча зиммасига юклаб қўя қолади, — дейди Фазлиддин Худойназаров. — Спорт билан мунтазам шуғулланиш соғлом турмушнинг асосий шартидир. Фарзандлар тарбиясида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратамиз, уларнинг уйда ҳам севимли спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур шароитни яратиб берганмиз. Ўзимиз ўрнак бўлиб, стадионга боришдан эринмаймиз.

**СУРАТДА:** *Фазлиддин Худойназаров рафиқаси Фотима Қурбонова ва қизи Ҳулкарой билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Хоразм Вилояти

# ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ҲАРАКАТ – ФАРОВОНЛИККА РАҒБАТ

**Йиғинимиз ҳудудида саккиз мингга яқин аҳоли яшайди. Асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланамиз. 1200 гектар экин майдонимиз бор. Шундан 738 гектар ерда пахта етиштирилади. 25 фермер хўжалигининг учтаси чорвачилик, иккитаси боғдорчилик, биттаси паррандачилик, қолган асосий қисми эса пахтачилик, ғаллачилик билан шуғулланишади. Тўрт мактаб, иккита боғча, учта қишлоқ врачлик пункти, тўйхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қишлоғимиз аҳли хизматида.**

Аҳоли томорқадан самарали фойдаланиш борасида бой тажрибага эга. Томорқасининг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқда. Рўзғордан ортганини бозорга ҳам чиқаришади. Ҳалилло Рузиматов, Одилбек Мадраҳимов, Шодлик Каримов, Ҳусаинбой Давлатов каби тадбиркорлар бизга ҳамиша мададкор, ҳамкор. Кам таъминланган, моддий мададга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаб туришади, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда кўмаклашадилар.

Улар билан ҳамкорликда ички йўлларни таъмирлаш, қишлоқ марказида янги маиший хизмат кўрсатиш биноси бунёд этиш, аҳоли талаб-эҳтиёжларини ўрганиб, янги иш ўринлари очиш, қишлоққа саноатни олиб кириш ва маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотларни хорижга чиқариш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларимиз аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Саидназар РАҲИМОВ,**
**Қўшкўпир туманидаги Хосиён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

# ОН-ЛАЙН МУЛОҚОТ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида "Тўйларда ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш" мавзуида навбатдаги он-лайн мулоқот бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари, олимлар, ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаоллари иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, қадриятлар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг миллат маънавиятининг ажралмас бўлагидир. Айниқса, ўзбек тўйларидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат каби фазилатларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Аммо жойлардаги айрим маросим ва тўйларда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Мазкур иллатларнинг салбий оқибатларини кенг оммага тушунтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

**Наргиза ҲОТАМОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

*Ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва давр талаблари даражасида баркамол авлодни тарбиялаш борасида изчил равишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шу жумладан, болалар ва ёшларнинг қатор йирик спорт мусобақалари ўтказилиши хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан ижобий баҳоланмоқда.*

*Хусусан, Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари — 2012" республика спорт ўйинларининг ўтказилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур беллашувлар қатнашчиларига мурожаати ва мусобақанинг якунлари ҳали-ҳамон республикамиз ва хорижий эллар жамоатчилигининг диққат марказида турибди.*

**Буюк Британияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руперт Жой** "Ўзбекистон ҳукумати ёшлар орасида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга салмоқли молиявий маблағларни сарфлаётир", дея қайд этди.

Хорижлик дипломатнинг фикр билдиришича, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари келажакда олимпия шуҳратини келтириши ва мамлакат спорт оламининг ғурурига айланиши мумкин бўлган ёш спортчилар учун яхши минбар бўлди.

"Буюк Британияда ҳам йирик спорт мусобақалари ёшлар учун муҳим илҳом манбаи ҳисобланади, деган тугал ишонч бор. Ўзбекистондаги каби жорий йилда Британиянинг 13 мингта мактабида таҳсил кўрадиган ёшлар ҳам мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган спорт ўйинларида иштирок этадилар. Биз мазкур ўйинларнинг завқ-шавқидан имкон қадар кўпроқ ёшларни спортга жалб қилиш учун фойдаланиш истагида бўлганимиз баробарида спорт тадбирлари орқали Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги ёшларни унга жалб этишга интилмоқдамиз. Ана шундай ташаббуслардан бири – "Илҳом" халқаро дастури бўлиб, у дунёнинг 20 мамлакатидан 12 миллиондан ортиқ болалар учун спорт тадбирларида қатнашиш ва жисмоний жиҳатдан чиниқиш имкониятини яратади", деди Р.Жой.

Элчи Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоасининг медаллари аввалги ўйинлардагидан ҳам кўп бўлишига амин эканлигини изҳор этди. "Ўзбекистон Президентининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида ана шундай эзгу тилак ўз ифодасини топган. Мен ўзбекистонлик спортчилар билан учрашган чоғларимда уларнинг Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши доирасида қандай улкан ишлар амалга оширилаётганига бир неча маротаба гувоҳ бўлдим. 50 нафардан ортиқ ўзбекистонлик спортчи енгил ва оғир атлетика, кураш, бокс, дзюдо, таэквондо, эшкак эшиш, сузиш, велоспорт, теннис ва қиличбозлик каби спортнинг 16 тури бўйича юксак мукофотларга эришди учун Лондонга йўлланмани қўлга киритганликларини ҳисобга олган ҳолда шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон олимпиадачилари мазкур ўйинларда жуда яхши натижаларни кўрсатиш учун барча имкониятларга эгадирлар. Биз уларга омад тилаймиз", дея таъкидлади хорижлик дипломат.




**Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари бўйича эксперт, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Со Гон И** юртимизнинг мустақиллик йиллари давомида эришган ва Жанубий Корея элчиси сифатида республикамизда фаолият кўрсатган даврда шахсан ўзи гувоҳ бўлган муваффақиятларидан ҳамон қувонишини билдирди.

"Мустақилликнинг илк йилларидан бошлабоқ Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, болалар спортини янада тараққий топтириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт инфратузилмасини бунёд этиш билан боғлиқ ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Спорт иншоотлари болаларни кенг тарзда спортга жалб қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади", деди у.

Экспертнинг фикрича, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларини ўтказиш орқали ёшларни спортга жалб қилишнинг уч босқичли ўзига хос тизими, Ўзбекистон Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўлаги ҳисобланади, буни бошқа мамлакатларда учратмайсиз.

У Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ва спортни ёшлар орасида оммалаштиришнинг бундай ўзига хос тизимини юқори баҳолади.

"Ўзбекистон вакиллари энг йирик ва нуфузли халқаро спорт мусобақаларида тобора фаол ва муваффақиятли иштирок этишмоқда. Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик ёш спортчилар Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совринли ўринларни эгалламоқдалар", дея фикр билдирди эксперт.

Шунингдек, Со Гон И Ўзбекистоннинг "Болаларни асрайлик" Халқаро ташкилоти томонидан 2011 йилда тузилган халқаро рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани диққатга молик эканлигини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг фикрича, бу мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган амалий ишларнинг халқаро даражадаги яна бир эътирофи ҳисобланади.

"Фурсатдан фойдаланиб, XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун тез орада Лондонга йўл оладиган Ўзбекистон спортчиларига катта муваффақиятлар тилашни истар эдим", деди у.

**Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирининг собиқ ўринбосари Жи Чул Ох** йигирма йилдан ортиқ муддат мобайнида бир неча маротаба Ўзбекистонга келиш имкониятига эга бўлганини маълум қилди. "Кўп йиллар давомида Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни диққат билан кузатиб келар эканман, мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини, жумладан, республикада муҳим аҳамият берилаётган спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар менда чуқур таассурот қолдирди. Бу борада болаларни спортга, соғлом ҳаёт тарзига тобора кўпроқ жалб этиш ва уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда", деди у.

Кореялик экспертнинг сўзларига қараганда, дунёда глобал молиявий инқироз рўй берганига қарамай Ўзбекистон ижтимоий соҳани, таълим ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратишда давом этаётгани алоҳида диққатга сазовордир. У республикамиздаги катта шаҳар ва қишлоқларда дунё мезонларига жавоб берадиган спорт мажмуаларининг бунёд этилишини, мактаблардаги спорт майдончаларининг ободонлаштирилиши борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни юксак баҳолади.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини ўтказиш учун барпо этилган замонавий спорт саройлари ва мажмуалари, стадион ҳамда сузиш ҳавзалари ва бошқа инфратузилма объектлари ҳам Ўзбекистонда баркамол авлоднинг вояга етишишига кўмаклашади. Мамлакатингизда спортни ривожлантириш учун яратилган бундай кенг имкониятлар туфайли Ўзбекистон спортчилари, шубҳасиз, халқаро майдонларда, жумладан, яқинда Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида ҳам яхши натижаларга эришадилар, деб ўйлайман", дея ўз фикрини якунлади Жи Чул Ох.

"Жаҳон" АА

# МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ БОШЛАНДИ

**Болажонларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ташкил этиш мақсадида ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида янги мавсумга тайёргарлик ишларининг сўнгги босқичи якунланиб, айни кунларда оромгоҳларга болажонлар жойлаштирилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, бу йилги мавсумда 260 минг нафардан зиёд болалар оромгоҳларда дам олиши режалаштирилган бўлиб, уларга 878 тага яқин оромгоҳ хизмат кўрсатади. Булардан 217 таси шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳлар бўлса, қолганлари мактаб, касб-ҳунар коллежлари қошида фаолият кўрсатадиган оромгоҳлардир.

— Мавсум давомида болаларнинг ҳар томонлама рисоладагидек соғломлаштирилишини мақсад қилганмиз, — дейди Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Равшан Эргашев. — Бугунга қадар ёзги дам олишни мувофиқлаштириш ва мавжуд муаммоларга тезда ечим топиш мақсадида махсус ишчи гуруҳлари, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аниқ дастурлар тузилди. Бир қатор услубий тавсиялар, оромгоҳларда кундалик амалга ошириладиган ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. «Ёз — 2012» услубий қўлланмалари тайёрланди. Ушбу режалаштирилган ишларни амалга ошириш мақсадида педагог мутахассислар танлаб олиниб, улар жорий йилнинг 10-20 май кунлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг ўқув курсларида малакасини оширдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, бу йилги соғломлаштириш жараёнларида маънавий-маърифий ва интеллектуал тадбирлар, шунингдек, болаларнинг қизиқишлари бўйича ташкил этилган турли тўгарак машғулотлари янги педагогик технологиялар асосида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Болаликнинг бетакрор лаҳзаларини, айниқса, ёзнинг иссиқ кунларини оромгоҳларда ўтказиш болажонларга бир олам қувонч бағишлаши аниқ.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Болалар жуда зийрак ва қизиқувчан бўлади. Дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интилади. Бундай пайтда болаларнинг қандай ўйинчоқ ўйнаши уларнинг тарбиясида, дунёқарашида, келгуси ҳаётида муҳим ўрин тутади.**




# ЎЙИНЧОҚ
## ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

"Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади", деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида.

Ўйинчоқларнинг энг аҳамиятли, шу билан бирга, энг нозик томони ҳам шунда. Негаки, глобаллашув жараёнида турли бузғунчи ғоялар, маънавий ва мафкуравий таҳдидлар ўйинчоқлар тимсолида турмушимизга сездирмасдан кириб келиши мумкин.

Сир эмас, бугун фарзандларимиз асосан хорижда ишлаб чиқарилган ўйинчоқларни ўйнаб улғаймоқда. Улар орасида болаларни ривожлантиришга, ташқи олам билан таништиришга хизмат қиладиган ўйинчоқлар билан бирга, миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган, ўғил-қизларимизнинг руҳияти ва маънавий дунёсига салбий таъсир қилувчи маҳсулотларни ҳам, афсуски, учратиш мумкин. Энг муҳими, миллий табиатимиздан узоқ бундай ўйинчоқ ва қўғирчоқлар бозорларимизда анча харидоргир.

Масалан, улар орасида учрайдиган қўрқинчли ниқоблар, ханжарлар, ғайритабиий ҳайвонлар, ҳашаротлар болаларни урушқоқликка ва шафқатсизликка ундаши сир эмас. Ҳарбий кўринишдаги маҳсулотлар бошқа давлатлар рамзлари, қуролли кучларини улуғловчи турли тимсоллар кўзга ташланади.

**Қизалоқлар севиб ўйнаётган «Барби», «Синди», «Бонни», «Сэмми» каби қўғирчоқлар ярим яланғоч ҳолатда ишланган бўлиб, уларнинг кўриниши ва либослари «оммавий маданият»ни тарғиб этади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай қўғирчоқни ўйнаётган қизалоқда унга ўхшаб кийиниш ва пардоз қилиш хоҳиши пайдо бўлади, шунга тақлид қилади. Бу эса қизларда мустаҳкам оила қуриб, фарзанд кўриш орзусини эмас, балки ўткинчи ҳою ҳавасга берилиб, енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилиш истагини шакллантиради.**

Бугун кўпчилик ота-оналар билиб-билмай, фарзандларига ана шундай ўйинчоқларни олиб бераётгани, айниқса, ташвишли ҳолдир.

– Бир кунда ўртача элликтагача ўйинчоқ сотамиз, – дейди Чилонзор буюм бозорида савдо қилаётган Санжар исмли йигит. – Ўғил болалар ўртасида турли жанговар ўйинчоқлар, «қурол-яроғлар», «ўргимчак одам», «бетмен» сингари кино қаҳрамонларининг кийимлари харидоргир. Қизлар эса «Барби» қўғирчоқлари, кичкина сумкачалар, тароқ, ойна ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқади.

Хорижда, асосан ноқонуний яширин цехларда ишлаб чиқарилган бундай ўйинчоқлар сифати паст, синтетик материаллардан тайёрлангани учун ҳам нисбатан арзон. Бу эса болалар соғлиғига жиддий путур етказиши аниқ.

– Зарарли моддалар пластизол ва пластмассадан тайёрланган ўйинчоқларда айниқса кўп учрайди, – дейди Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири Ноила Солиҳова. – Уларнинг таркибидаги рух, мис, хром, дибутилфтолат, сурма каби кимёвий бирикмалар боланинг тери ва нафас йўлларига зарар етказиши мумкин. Шунингдек, бўёғидаги оғир металл тузлари, кўп ўйинчоқларда мавжуд кадмий моддаси ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Чунки гўдак ўйинчоқни ўйнаб, оғзига солиши, қўлини ювмасдан овқатланиши мумкин.

Масалан, пластмасса ёки резинадан тайёрланадиган ўйинчоқларга турли шакллар беришда ишлатиладиган фенол моддаси инсон организмига сингишиб, жигар ва буйракда тўпланади, асаб ва иммун тизимини ишдан чиқаради. Хавфли моддалардан яна бири рангсиз газ кўринишидаги формальдегид бўлиб, болаларда аллергик касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, нафас йўлларига, бронхларга, тери ва кўзга салбий таъсир кўрсатади.



Сўнгги пайтларда, айниқса, юмшоқ ўйинчоқлар харидоргир бўлиб бормоқда. Шундан ҳам билиш мумкинки, ҳамма ҳам бу турдаги маҳсулотларнинг зарарли эканлигини тўла англаб етмаган. Негаки, аксарият юмшоқ ўйинчоқларнинг материаллари сунъий бирикмалардан тайёрланган ва чангни кўп ютади. Бундай ўйинчоқлар тўқимаси нафас йўлларига ёки оғизга тушса, аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Очиғи, кўпчилигимиз маҳсулот харид қилишда унинг сифати, яроқлилик муддати ва мувофиқлик сертификатини сўрашга ҳамиша ҳам эътибор беравермаймиз. Сифатсиз маҳсулотни, ҳеч бўлмаса, ҳиди ва рангидан ажратиш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, зарарли ўйинчоқларда бошни оғритадиган ёқимсиз ҳид бўлади, ушлаганда қўл терлайди ва ранги тез ўчади. Бундай ўйинчоқларни харид қилиш оқибатида бола организмига қанчадан-қанча микроблар тушишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Илмий хулосаларга кўра, инсон бутун умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини беш ёшгача қабул қилар экан. Илк ҳаётий тасаввурлар, инсон тафаккурида пойдевор бўлувчи тушунчалар болалар онгига айнан шу пайтда сингади. Демак, беш ёшгача бўлган болаларнинг турли ўйинчоқлардан олган таассуротлари ҳам узоқ муддат уларнинг онгида сақланиб қолади.

– Бир қарашда арзимасдек кўринган бу масала катта вазифаларни ўзида мужассам этган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев. – Чунки бугунги ҳар бир боланинг саломатлиги, хулқи, маънавияти жамиятимиз келажаги учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, биз фарзандларимизни эҳтиёт қилишимиз, уларнинг онгу шуурига фақат эзгу тушунчаларни, ватанпарварлик, олижаноблик, меҳр-оқибат каби фазилатларни сингдиришимиз зарур. Бунинг учун эса ўйинчоқларнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакатимизда бунинг ҳуқуқий асосларини яратиш, фарзандларимиз қўлига бераётган ўйинчоқларнинг маънавий, психологик, педагогик, кимёвий-техник меъёрларини, ўзига хос талабларини белгилаш бугунги давр талабидир.

**Албатта, давлат божхона масканларида болалар соғлиғига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз ўйинчоқлар мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олди олинмоқда. Биргина 2011 йилда 136 ана шундай ҳолат аниқланган. Уларда жами 330 мингдан ортиқ ўйинчоқ ушлаб қолинган.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бадиий-техник кенгаш ташкил этилиб, болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги ва барча талабларга мослиги доимий назорат қилиб борилаётир.

Бироқ ўйинчоқлар ва ўйинга мўлжалланган маҳсулотлар турли ноқонуний йўллар билан бозорларимизда пайдо бўлаётгани ҳам сир эмас. Чунки юртимизда маҳсулоти бундай товарлар билан рақобатлаша оладиган ишлаб чиқарувчилар кам.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар, "устоз-шогирд" анъаналари асосида миллий ўйинчоқлар ясаш сирларини авлоддан-авлодга етказиб келаётган уста-ҳунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Фақат улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла қондириши, хорижникидан афзаллиги билан болаларни ўзига жалб эта олиши зарур.

*Энг асосийси, ўйинчоқ ишлаб чиқаришда кўпроқ ўз миллий-маънавий меросимизга, халқ оғзаки ижодига мурожаат этиш айни муддао бўлади. Қизларимиз мини юбка кийган «Барби» билан эмас, узун атлас кийган Барчинойлар билан дўстлашса, ўғил болалар эса хорижий автомарқаларни эмас, ўзимизнинг машиналарни ўйнаса, ҳарбийлашган ўйинчоқларда давлатимиз байроғи, миллий армиямиз рамзлари порлаб турса, фарзандларимизда ватанпарварлик туйғулари янада теранроқ шаклланиши шубҳасиз.*

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ASAKA BANK

*Ҳурматли юртдошлар!*

# «АСАКА» БАНКИ (ОАЖ)

**қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:**

## «ТАЪТИЛ •— 2012»

*Сақланиш муддати – 15 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (15 ойдан) сўнг берилади.*



**УШБУ ОМОНАТНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ОЧИШ МУМКИН.**

Мурожаат учун "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | |
|---|---|
| 1. Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371) 225-16-46 |
| 5. Сирғали филиали | (371) 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) 226-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 |
| 13. Қўқон филиали | (373) 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) 221-77-56 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

*"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган!





(18 июнь — 24 июнь)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**



Кечиктириб бўлмайдиган, бажарилиши ўта муҳим ишларингиз кўпайиб кетиши мумкин. Ҳовлиқмай, бир бошдан режа билан ишга киришаверинг. Сиз, албатта, уддалайсиз.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**

Янги ғоя ва ижодий фикрлар беришга қодир, билим уфқи кенг инсон эканлигингизни ҳамкорингизга кўрсатиб қўйиш фурсати етди. Мулоҳазаларингизни очиқ баён этишдан тортинманг.



**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**



Қийинчиликлар ортидан, албатта, яхши кунлар келади. Сиз ўз кучингизга ва яқинларингизга ишонинг. Анчадан буён ечимини кутаётган муаммоингиз ҳал бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**

Сизни бу ҳафтада ажойиб учрашув кутмоқда. Бу учрашув сизга кўтаринки кайфият бағишлайди. Аммо иш жойингизда зиммангизга юклатилган вазифаларни унутиб қўйманг.



**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**



Режаларингизни амалга оширишда четдан ёрдам кутиб ўтириш ярамайди. Сизни қўллаб-қувватловчилар жуда кўп. Қулай фурсат келганда имкониятни қўлдан бой берманг.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**

Вазифаларни тезда бажараман, деб ишнинг пачавасини чиқариб қўйманг. Унда қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйган киши сиз бўласиз. Яқинларингиз билан кенгашинг.



**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**



Муҳим хабар ва топшириқларга қўшиб-чатмасдан ўз ҳолича эгаларига етказганингиз маъқул. Шунда бошингиз ғалвага қолмайди. Сизга ишонч ортади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**

Сиз жуда уддабуронсиз. Аммо бу сафар яқинларингиз фикри билан ҳам ўртоқлашганингиз дуруст. Шунда сизни қўллаб-қувватловчилар янада кўпаяди. Албатта, ғолиб бўласиз.



**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**



Зиммангизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаринг. Эвазига кўз кўргудек рағбат оласиз. Атрофдагиларнинг сизга бўлган ҳурмати ортади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**

Ўз фикрингизни бошқалар олдида ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Фикрингизда қатъий туринг. Кайфиятни кўтариб, аниқ мақсадлар сари интилинг. Бу сафар сизни тан олишади.



**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**



Айни кунларда ҳаётингизда кутилмаган ўзгаришлар юз бериши мумкин. Ҳар қандай вазиятда оғир-босиқ бўлинг ва ақл билан иш тутинг. Синалмаган кишига ишонч билдирманг.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**

Келгуси ҳафтада сизни мўмайгина даромад кутмоқда. Бундан кайфиятингиз кўтарилиб, кучингизга куч қўшилиши аниқ. Дам олиш кунлари маданий ҳордиқ чиқариш фойдали.




Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа даҳлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ

Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.30
22419 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5